

Ҳозирги кундаги барча балоларга ғийбат сабабдир



15:51 / 08.03.2018 4682

Мазкур гуноҳлар сабабидан ҳозирги кунда турли азоблар содир бўлмоқда. Бир шаҳарни ер ютган, бир шаҳарда қаттиқ шамол, яна бирида қаҳатчилик бўлган, баъзи жойларда сув йўқ, бошқа жойларда эса сув ҳаддан ошиб кетган, бир жой қаҳратон совуқ бўлса, бошқасида жазирама иссиқ. Баъзи жойларда одамлар кўп ҳалок бўляпти, баъзи жойда бўрон бўлмоқда, яна баъзи жойларга ўт кетяпти, баъзи жойларда қаттиқ шамол ҳали пишиб етилмаган меваларни дарахтлардан тўкиб юбормоқда. Баъзи жойда султон золимлик қилмоқда, яна баъзи жойларда вабо тарқамоқда. Буларнинг барчасига бизнинг ғийбат сингари гуноҳларимиз сабабдир. Одамлар бу ишларнинг барчасидан тавба қилишлари лозим. Уларга ҳайронман, ёмғир ёғмай қолса ёки шиддатли шамол келса, қўрқиб дуога қўл кўтардилар, бироқ азобга сабаб бўладиган ишлардан тийилмайдилар.

Ибодат ва яхши ишлардан чарчасалар ҳам, ғийбат қилишдан чарчамайдилар. Шунинг учун қилган дуолари ҳам қабул бўлмайди. Гуноҳ қилавериб, диллари қотиб кетгани сабабли ҳаргиз насиҳатни қабул қилмайдилар. Гоҳида жаннат зикр қилинса, жаннат сўраб дуо қилиб қўяверадилар, лекин унга киришга монелик қиладиган ишлардан парҳезлари йўқ. Маъруза қилувчининг насиҳатини эшитадилар-у, унинг ёнидан чиққач, яна ўз йўлларида (гуноҳ қилишда) давом этаверадилар.

«Ғийбат ўзи нима?»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов